

**2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ижроси тўғрисида**  
**ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТ**

2023 йил 23 сентябрь холатига

№	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	муддати	Амалга ошириш механизми	Масъул вазирлик ва идоралар	Амалга оширилган ишлар, тайёрланган лойихалар (кимга қачон киритилганиги, хат рақами ва санаси)
<b>Давлат дастурида Ички ишлар вазирлиги томонидан бевосита ишлаб чиқилиши лозим бўлган норматив-хуқуқий ҳужжатлар</b>							
1.	Фуқароларнинг харакатланиш эркинлиги билан боғлиқ хуқуқларини чеклашда қонунийликни таъминлаш устидан назоратни кучайтириш. <i>(Дастурнинг 31-банди.)</i>	<p>Харакатланиш эркинлиги чекланган шахсларни хисобга олиш бўйича ягона электрон реестрни шакллантириш, юритиш ва ундаги маълумотлардан фойдаланиш тартибини кўйидагиларни назарда тутган ҳолда белгилаш:</p> <p>ваколатли органлар томонидан Ягона электрон реестрни шакллантириш, юритиш ва ундаги маълумотлардан фойдаланиш, жумладан тегишли маълумотларни харакатланиш эркинлиги чекланган шахсларнинг қариндошлари ёки адвокатларига тақдим этиш тартиби;</p> <p>Ягона электрон реестрни қонунчиликда белгиланган талаблар ва шартларда ишлаб чиқиши, такомиллаштириш ва кейинчалик техник кўллаб-куватлаш бўйича буортмачи ҳамда ахборот ва киберхавфизликтини таъминлаш бўйича ваколатли органни белгилаш;</p> <p>Ягона электрон реестрни ишлаб чиқиши ва шакллантириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш тартиби;</p> <p>Масъул вазирлик ва идораларнинг ходимларини янги тартибнинг мазмун-моҳияти ва харакатланиш эркинлиги чекланган шахслар билан ишлаш масалалари бўйича ўқитиш белгиланган.</p>	Вазирлар Маҳкамаси қарори	2023 йил май	Хисоб-китобларга асосан	<b>Ички ишлар вазирлиги</b> <i>(П.Бобоҷонов),</i> <b>Бош прокуратура</b> <i>(Н.Йўлдошев)</i> <b>Соғлиқни сақлаш вазирлиги</b> <i>(А.Иноятов)</i> <b>Давлат хавфсизлиги хизмати</b> <i>(А.Азизов)</i> <b>Адлия вазирлиги</b> <i>(А.Ташқулов)</i>	<b>Тўлиқ бажарилди.</b> Мазкур бандда белгиланган вазифа ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Харакатланиш эркинлиги чекланган шахсларни хисобга олишнинг ягона электрон реестрини жорий этиши тўғрисида” 2023 йил 31 август кунидаги 431-сон қарори қабул килинди.
2.	Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги ташкилий-бошқарув фаoliyatiini сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш. <i>(Дастурнинг 32-банди.)</i>	<p>Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаoliyatiini самарали ташкил этиши мақсадида ягона бошқарув тизимини яратиш;</p> <p>Худудий тергов бўлинмалари ходимларини ишга кабул қилиш, лавозимга тайинлаш ва рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш;</p> <p>Жиноятларни тергов қилиш жараёнига рақамли технологияларни кенг жорий этиш.</p>	Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойихалари.	2023 йил август	Хисоб-китобларга асосан	<b>Ички ишлар вазирлиги</b> <i>(П.Бобоҷонов),</i> <b>Бош прокуратура</b> <i>(Н.Йўлдошев)</i> <b>Адлия вазирлиги</b> <i>(А.Ташқулов)</i>	<b>Бажарилган.</b> Мазкур банд ижросини таъминлаш мақсадида ҳозирда Ички ишлар вазирлиги Тергов департаментида малакали мутахассислардан иборат ишчи гурух тузилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаoliyatiini сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тааллуқли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда 2023 йил 29 июль куни 1/1232-сон хат билан Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун

№	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	муддати	Амалга ошириш механизми	Масъул вазирлик ва идоралар	Амалга оширилган ишлар, тайёрланган лойиҳалар (кимга қачон киритилганини, хат раҳами ва санаси)
							киритилган. ( <b>ID-78208</b> ). Лойиҳа Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўриб чиқилиб, 2023 йил 28 августдаги 12/78208/1-410-сон хат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилган.
3.	Транспорт воситасида йўл-харакати коидаларини бузганлик ҳолатларини аниклаш тартибини такомиллаштириш. <i>(Дастурнинг 33-банди.)</i>	Транспорт воситаси мулкдорининг транспорт воситасини бошқариш хуқуки ўтказилган шахс билан биргалиқдаги мурожаатига кўра ваколатли орган томонидан хукуқбузарликларни кайд этиш тизимиға тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳамда ушбу транспорт воситасида содир этилган йўл харакати коидалари бузилганилиги учун бошқариш хукуки ўтказилган шахсга нисбатан маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги баённомани расмийлаштириш тартибини жорий этиш.	Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари.	2023 йил ноябрь	Ҳисоб-китобларга асосан	Ички ишлар вазирлиги (П.Бобоҷонов), Олий суд (Б.Исламов) Адлия вазирлиги (А.Ташқулов)	<b>Бажарилмоқда.</b> Мазкур бандда белгиланган вазифа ижросини самарали ташкиллаштириш учун Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл харакати хавфсизлиги хизмати томонидан кўйидаги лойиҳалар ишлаб чиқилди: “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодексига юридик шахсларга тегишли транспорт воситасидан фойдаланиб содир этилган йўл харакати коидалари бузилганилик учун жавобгарликни белгилаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш хақида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 2023 йил 10 август куни 24/12-6988-сон хат билан вазирлик ва идораларга келишиш учун киритилди ( <b>ID-84229</b> ); Вазирлар Маҳкамасининг “Автомотранспорт воситасининг мулкдорларига транспорт воситасини бошқариш хукуки ўтказилган шахс билан биргалиқда тегишли хукукни белгиловчи хужжатни тақдим этган ҳолда, давлат йўл харакати хавфсизлиги хизмати органларини транспорт воситасини бошқариш хукукини ўтқазганлиги хақида хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги карори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 2023 йил 10 август куни 24/12-6989-сон хат билан вазирлик ва идораларга келишиш учун киритилди ( <b>ID-84228</b> ).
4.	Йўл харакати хавфсизлигини таъминлаш соҳасини “шахар автомобиллар эмас, балки пиёдалар учун” гояси асосида ислоҳ килиши. <i>(Дастурнинг 34-банди.)</i>	Нукус ва Тошкент шаҳарларида ҳамда вилоятлар ва туманлар марказларида транспорт воситалари харакатланишининг энг юкори тезлигини соатига 70 километрдан 60 километргача тушириш.	Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари.	2023 йил март	Ҳисоб-китобларга асосан	Ички ишлар вазирлиги (П.Бобоҷонов), манфаатдор вазирлик ва идоралар	<b>Тўлиқ бажарилди.</b> Мазкур бандда белгиланган вазифа ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Йўл харакати коидаларига автомобиль йўлларида харакат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартириш киритиш тўғрисида” 2023 йил 3 апрель кунидаги 140-сон қарори қабул килинди.

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги